



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI**  
**OLIY TA‘LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI**  
**FARG‘ONA POLITEKNIKA INSTITUTI**  
**«JADIDLARNING ILMIY-PEDAGOGIK MEROSI: TARIX VA**  
**ZAMONAVIYLIK» mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjumani**  
**materiallari**  
**(1 - to‘plam)**



*Farg‘ona shahri*  
*29-30 mart 2024-yil*

Туркистондаги миллий-озодлик ҳаракатининг мафкуриси – Туркистон миллий мустақиллик мафкуриси вазифасини бажарди. Жадиличлик ўз тарихида икки босқични ўтган. Биринчиси – маърифатчилик босқичи ва иккинчиси – сиёсий босқич. Аммо жадиждларнинг давлатчилик масаласига нисбатан қарашлари биринчи даврданок шаклланган эди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 2023 йил 22 декабрда ўтказилган Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши. [https://uza.uz/uz/posts/ol-bayrogingni-qalbing-uygonsin\\_554468](https://uza.uz/uz/posts/ol-bayrogingni-qalbing-uygonsin_554468)
2. Jadid: Adabiy, ilmiy-ma'rifiy va ijtimoiy haftalik gazeta. 2024-yil 1-yanvar, №1 (1).
3. Муҳитдинов Н. Кремлда ўтган йилларим. I китоб. – Тошкент: Ўзбекистон, 1995. – Б.266 – 268.

### **ТУРКИСТОН ЖАДИДЛАРИНИНГ ЗАРАРЛИ УРФ-ОДАТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИ ТАРИХИДАН** (Маҳмудхўжа Бехбудий ва Ҳожи Муин мақолалари мисолида)

**Хайитов Шодмон Аҳмадович**  
**БУХДУ, жаҳон тарихи кафедраси, профессори тарих фанлари доктори**

**Аннотация:** Ушбу мақолада Туркистон жадиличлик ҳаракатида муҳим роль ўйнаган икки таниқли сиймо: Маҳмудхўжа Бехбудий ва Ҳожи Муинларнинг ишларида ижтимоий-маиший ҳаётда тараққиётга тўсиқ бўлган салбий урф-одатлар, улардан халос бўлиш ҳақидаги фикр-мулоҳазалар билан боғлиқ жиҳатлари имкон қадар таҳлил этилган.

**Таянч атамалар:** тўй, тазия, урф одат, ер-мулк, улоқ (кўккари); сарф-харажат, маросим, савдогар, “мева тўйи” тарбия, келажак, ёш авлод, зарарли, фойдали, илм-фан

**Аннотация:** В данной статье два известных деятеля, сыгравших важную роль в модернизационном движении Туркестана: Махмудходжа Бехбудий и Хаджи Муин, максимально проанализировали аспекты, связанные с негативными обычаями, препятствующими прогрессу в общественной и бытовой жизни, и мнения о том, как от них избавиться.

**Ключевые слова:** свадьба, соболезнование, традиция, имущество, козел (коккари); траты, обряд, купец, «фруктовая свадьба», образование, будущее, молодое поколение, вредное, полезное, наука.

**Annotation:** In this article, two well-known figures who played an important role in the modernization movement of Turkestan: Mahmudhoja Behbudiy and Haji Muin, analyzed as much as possible the aspects related to the negative customs that hinder progress in social and household life, and the opinions on how to get rid of them.

**Key words:** wedding, condolence, tradition, property, goat (kokkari); spending, ceremony, merchant, "fruit wedding" education, future, young generation, harmful, useful, science.

XIX-аср охири - XX асрнинг бошларида туркистондаги ижтимоий-иқтисодий, маъданий-маърифий жараёнларда жади́длар марказий ўринда турдилар. Улар миллат тақдири ва келажаги йўлида ўз куч-қудратлари, сармоя ва бойликлари, қобилият ва салоҳиятларини аямадилар. Ўзбек давлатчилиги тарихи ва ривожига, миллий юксалишга бекиёс ҳисса қўшган жади́б боболаримизнинг ҳар бирининг ҳаёт йўли алоҳида китоб қилишга арзигуликдир. Бугунча улар ҳақида ёзилган асар ва мақолалар денгиздан томчи деб баҳолашга лойиқ бўлмасада, катта уммондан 2-3 меш сув олиш билан тенгдир. Жади́длар тарих ҳақиқатини тўғри англаб, туркистонликлар ақлий ва жисмоний салоҳиятлари билан эмас, билим, тафаккур, маданий даражалари ва турмуш тарзлари билан мустамлакачилардан орқада қолган, деб ҳисобладилар. Илмсизлик қоқоқликнинг асосий омили, қоқоқликдан қутулишнинг бирдан бир нажоткори илм ва саводли бўлишдир, каби фикр мулоҳазалар илгари сурилди. Улар Исмоилбек Гаспрали (1851-1914)“Таржимон” газетасига (1883-1914) асос қилиб олган:“Тилда, фикрда, ишда бирлик!” шиорига амал қилдилар. Миллат қайғуси, миллат келажаги, истаги жади́длар ҳаёт йўлини нур бўлиб ёритди.

Жади́длар мураккаб ва оғир тарихий шароитда маҳаллий мусулмон халқлари тараққиётига кишан бўлган салбий, зарарли иллатларга қарши чиқдилар. Уларга ўз мақсад ва истақларини кенг халқ оммасига етказишда кундалик даврий матбуот қўл келди. Муҳими шундайки,ўнлаб даврий матбуот намуналари ҳисобланган газета ва журналларнинг тасисчилари ҳам, ношир ва муҳаррирлари ҳам, мақола навислари ҳам, тарғиботчилари ҳам, тарақатувчилари ҳам уларнинг ўзлари эдилар. Россия империясида мусулмон матбуотчилиги тарихи И.Гаспралининг “Таржимон” газетасидан бошланиб 1920 йилгача ибратли йўлни босиб ўтди ва матбуотчилиги тарихи яратилди. Туркистон жади́дчилиги ҳаракатида Маҳмудхўжа Бехбудий

(1874-1919) ва унинг устозга садоқат кўрсатиш борасида ибрат мактаби ҳамда сарбони бўлган Ҳожи Муин (1883-1942) кабиларнинг ўрни бекиёсдир. Бу иккала жадид мунавваридан бизга жуда катта илмий-маънавий мерос қолган. Улар томонидан яратилган ўқув қўлланма, дарслик, китоб ва рисоаларни бирин-кетин санаш даъвосидан йироқмиз. Бу ҳақида кўп вахўп ёзилди, ҳамда тадқиқотлар ҳамон давом этмоқда. Биргина мисол келтириш билан чекланишни лозим топдик. 1907-1937 йилларда Ҳожи Муиннинг 23 хил газета ва журналларда 200та мақоласи 400та хабар, ўзбек ва тожик тилиларида 1500 мисра шерлари эълон қилинди. Бир қатор пьесалари босилди[1; 8].

Маҳмудхўжа Бехбудий ва Ҳожи Муин маънавий мероси билан танишар экан, улар пьеса ва мақолаларида, публицик ижодларида XX аср бошларида Туркистон аҳолиси орасида тараққиётга тўсиқ бўлган жараёнларга танқидий мулоҳазалар билдирилганига воқиф бўлинади. Жамиятдаги иллатларни Маҳмудхўжа Бехбудий “Падаркуш”ёки “Ўқимаган боланинг ҳоли” пьесасида, “Зўраки бой”, “Жаҳолат дардларидан”, “Оқ банкалар бизни барбод этди”[2; 280], “Бизни кемирувчи иллатлар”, “Эҳтиёжи миллат” каби мақолаларида, Ҳожи Муин эса “Тўй” “Мазлума хотин” пьесаларида, “Бизга нима керак”, “Тўй ва аз маросими ҳақида” мақолаларида, пора ва “Порахўрлик ва порахўрлик”, “Букун бой, эртаси гадой” “Бизда соғлиқни қақшатиш ишлари” каби ўнлаб ҳажвияларида бадий-публицик тарзда очиб бердилар.

Айниқса, Туркистон жамиятида айнан XIX сар охири - XX аср бошларида илдиз отган иллатлардан бири тўй ва тазия маросимларида минг- минглаб маблағларни ҳавога соврилаётгани ҳақида куюнчаклик билан ёзилган фикрлар, халқни инсоф ва диёнатга даъват этиш, исрофгарчиликдан қайтариш мақсадига йўналтирилганди. Кишилар ким ўзарга тўй қилаётгани, ўша давр пули билан 10 минг сўмгача тўйга сарфлаш анъанага айланди. Бозорда битта қўй – 2,5-3 сўм, 1 ботмон буғдой

1,5 сўм турган бир пайтда тўй учун 500 сўм сарф қилиш ҳам катта харажат ҳисобланарди. Таомилга кириб қолган қоидага кўра XX аср бошларида камбағаллар хатна ва никоҳ тўйларига 200 рублдан 1000 рублгача ўрта ҳоллар – 2000-5000 рубль бойлар - 5000 рублдан 10000 рублгача харж қилиши ёзилмаган қонунга айланганди. Бою-бадавлатларнинг тўйлари 3-7 кун давом этиб, “мева тўйи”, “савдогар тўйи” кабилар ўтказилган. Тарихий маълумотларга кўра уйланиш (никоҳ) тўйида базм учун 50 та тўн (чопон), 25 та қўй, 4 та от, 3 тўп чит, 25 та рўмол, 5 рубль пул, 500 та катта, 1000та ўртача, 2000 та кичик нон, 4 ботмон ун, саватларда турли мевалар, ботмонлаб ҳолва ва сабзавотлар харж қилинган.

Серхаражат тўйларнинг ўтказилиши ортидан бир қатор салбий оқибатлар келиб чиққанлигини Маҳмудхўжа Бехбудий қайд этар экан, кўплаб ер эгалари, деҳқонлар экин ерларини арзон гаровга сотаётганлиги, Туркистондаги ер фондлари рус, яхудий, арман тадбиркорлари ўтиб бораётганлигини ташвиш билан билдирган. Тўйда қарздор бўлган заминдорлар арзон гаровга хорижликларга ерларини сотишган. “Қримда 1 таноб ер 10 мингдан 30 минг сўмгача, бизникилар эса қарздор бўлиб, тўй, тазия, меҳмондорчиликка пул сарфлаб, иложсизликдан 1 таноб ерни 200 сўмга рус, арман, яхудийларга сотмоқдалар[3; 190-194]”Маҳмудхўжа Бехбудий еримиз олтин билан баробар эканлиги, ер фондларимиз осонгина келгиндилар қўлига ўтиб кетаётганлиги, бу келажак учун хавфли эканлигидан юртдошларимизни воқиф қилган. Тўй ва томошаларда ҳаддан ортиқ кенг тус олган улоқ (кўпкари) мусобақаси ортидан келаётган моддий-маънавий зарар ҳақида ҳам Маҳмудхўжа Бехбудий фикр-мулоҳазалар билдирган. Кўпкариларда иштирок этиш учун чавандозликдан уқуви йўқ кишилар ҳам қарзга ботиб бор йўқ пулига от сотиб олишган. Деҳқонлар айни ҳосил пишиб етилган, уни йиғиб-тўплаш ишлари вақтида кўпкари билан банд бўлиб, буғдой ҳосили нобуд бўлган.

Шунингдек, улоқ чопиб, майиб-мажруҳ бўлиб қолганлар сони кўпайган, кўплаб оилалар ўзининг боқувчисиз қолган.

Ҳожи Муин мусулмонлар орасида тўй ва таъзия маросимлари учун сарф-харажатлар кенг тус олганлиги, биргина никоҳ тўйини бир неча босқичда ўтказилиб, (5 та тўй),“Нон шиканон” (синдириш); “Фотиҳа”, “Никоҳ”“Рўйбинон”(юз очди)“Домод талабон”(Куёв чақирди)нинг ҳар бириси учун мингларгача сўмлар сарф ва сарф бўладир...Хатна тўйида эса 5-6 кунгача тўй қиладилар. “Базм”“Кўпкари”лар берарлар ва бу йўлда мингларча сўмни исроф ва барбод этарлар. Ҳолбуки,бу одат бизнинг Туркистондан бошқа ўлкаларидаги мусулмонларда йўқдир.Арабистон, Миср, Истанбул, Кавказ, Татаристон,ва Эрон мусулмонлари болаларининг хатнаси учун тўй бермайлар, лоақал бир неча кишини чақириб зиёфат ҳам қилмайлар” [4; 89-93] ҲожиМуин хатна тўйида кийимликлар бериш, исрофгар базм ва тўй томошалари қилиш,кўпкари ўтказиш (уч кунлаб) кабилардан кўра фарзандлар илм олиши учун маблағ сарфлашни фойдали ва хайрли деб ҳисоблайди. Тазия тўғрисида ҳам салбий урф ва русумлар мавжудлиги Ҳожи Муин томонидан қатъий танқид остига олинади.“Майитни қичқириб йиғлаб охирги йўлга кузатмоқ, тазияга келганларга пул ва йиртишлар бериш, “уч”, “етти”, “йигирма”, “қирқ” кунларида халққа ош тортиш кабиларга қатъий барҳам бермак керак,- дейди,ҲожиМуин. “Мотам кунларида ўлукнинг руҳига хатми-Қуръон,дуо ва фотиҳа қилмоқдан зарар йўқ. Шунга ҳам 3-4 кишидан зиёд одамларни чақирмаслик керакдир. Ўлукнинг энг яқин хотин-қиз ақрабоси 40 кундан зиёд аза тутмай 40 кундан сўнг азалиқ кийимини ташласа лозим” - деб ёзганди Ҳожи Муин. Маҳмудхўжа Бехбудий ва Ҳожи Муин жамиятда ҳукм суриб келаётган иллат ва манфаат келтирмайдиган удумларни танқид тиғи остига олишаркан, кўп хотинлилик ҳам оила мустаҳкамлиги, оқил фарзандлар тарбиясига зарар келтиришини кўрсатиб ўтишган.Масалан, Ҳожи Муин “Мазлума хотин” пьесасини ёзишдан олдин устози

Маҳмудхўжа Бехбудий билан маслаҳатлашади. Сухбат мавзуси кўп хотинликка йўналтирилганидан сўнг, Маҳмудхўжа Бехбудий тааддуди завжод” масаласида фикр билдириб, “Мен биттадан ортиқ хотин олишга бутун муқобилман (қаршиман). Зотан иккинчи хотин олиш учун қўйилган шарт (адолат)га ҳеч ким риоя қила олмайди” деган экан. Маҳмудхўжа Бехбудий исрофгарчиликка йўл қўймасликни танқид қилар экан моддий аҳволи яхши бўлишига қарамай ўғли Мақсудхўжа тўйи учун 1000 рубль харажат, қилди. Тўй ҳақидаги хабар 1909 йил “Туркистон вилояти Газети”да босилиб чиқди. Кўп йиллар Маҳмудхўжа Бехбудийнинг бу қарорини маъқуллашди, лекин айрим эскилик тарафдорлари уни “зиқналик”да айблашганди.

XIX-асрнинг охири - XX-аср бошларида Туркистон жамиятида мавжуд бўлган зарарли урф-одат ва удумлар, улардан халос бўлиш билан боғлиқ боболаримизнинг оқилона йўлга, бошловчи васиятлари бир қатор йўналишларда бугунги кунда ҳам ўз долзарблиги ва аҳамиятини йўқотгани йўқ. “Шовла кетса кетсин, обрўй кетмасин!” “Мол ва жон кетса кесин обрўй кетмасин” қабилида иш кўраётган Ватандошларимизни кўзларини очиб ва уюшишлари учун фурсат етди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ҳожи Муин. Танланган асарлар// Сўз боши муаллифлари: Б.Дўстқораев Н.Намозова маъсул муҳаррир: Б.Дўстқораев Таҳрир ҳайъати: О.Шарофиддинов Н.Каримов, С.Аҳмедова бош-қ./- Т.: Маънавият, 2005.
2. Маҳмудхўжа Бехбудий. Танланган асарлар// Тузатилган ва тўлдирилган 3-нашри. Нашрга тайёрловчи, тўпловчи сўзбоши ва изоҳлар муаллифи- профессор Бегали Қосимов. –Т.: Манавият, 2006.
3. Маҳмудхўжа Бехбудий. Танланган асарлар.
4. Ҳожи Муйин. Танланган асарлар.

### **ТУРКИСТОН ЖАДИДЧИЛИК ХАРАКАТИНИНГ ЮКСАЛИШИ ВА УНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ (XIX АСР ОХИРИ ВА XX АСР БОШЛАРИ)**

*М.М.Ҳайдаров. т.ф.д, проф.  
Геология фанлари университети*



14.	“САДОИ ТУРКИСТОН” ГАЗЕТАСИДА МАОРИФ МУАММОЛАРИНИНГ ЁРИТИЛИШИ ТАРИХИДАН. Юсупов Аъзамжон Абдулладжанович.	115
15.	ОБИДЖОН МАҲМУДОВ – ТУРКИСТОНЛИК БИРИНЧИ ТОҒ-КОН МУҲАНДИСИ. Феруза Саъдуллаевна Амонова.	122
16.	БУЮК МАЪРИФАТПАРВАР ЖАДИД. Азимжон Давронов.	130
17.	IX АСР ОХИРИ - XX АСР БОШЛАРИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ЖАДИДШИЛИК ҲАРАКАТИНИНГ ТАНИҚЛИ НАМОЁНДАЛАРИ (С.МАЖИДОВ МИСОЛИДА) Қудияров Алишер Раметуллаевич, Алимбетов Ансатбай Кеунимжаевич	138
18.	АБДУРАУФ ФИТРАТНИНГ “ЭЛ АДАБИЁТИ” ТАРҒИБОТИ ҒОЯСИ. Сатторов Улуғбек Файзуллаевич.	144
<b>II - ШҮЪБА. ТАРАҚҚИЙПАРВАРЛАРИНИНГ МИЛЛИЙ ДАВЛАТЧИЛИКНИ ТИКЛАШ УЧУН ҲАРАКАТЛАРИ ВА ТУРКИСТОН МУХТОРИЯТИ ФАОЛИЯТИ.</b>		
19	ЖАДИДЛАРИНИНГ МАЪРИФАТПАРВАРЛИК ФАОЛИЯТИ ВА МИЛЛИЙ ДАВЛАТЧИЛИКНИ ТИКЛАШ УЧУН ҲАРАКАТИ Агзамходжаев Саидакбар Саидович.	151
20	ТУРКИСТОН ТАРАҚҚИЙПАРВАРЛАРИНИНГ МИЛЛИЙ ОЗОДЛИК КУРАШИ ҒОЯЛАРИ Рашидов Ойбек Расулович	158
21	ТУРКИСТОН ЖАДИДЛАРИНИНГ ҲАРБИЙ ҚАРАШЛАРИ. Дилноза Жамолова.	166
22	XAMZA SHAXSIYATI: TARIXIY HAQIQAT VA ZAMONLAR TALQINI. Xonqulov Shavkatjon Xursanaliyevich.	173
23	TURKISTON O'LKASIDA TEATR SANATI VA XALQNI MADANIY-MARIFIY RUHDA TARBIYALASHDA JADIDLARNING O'RNI. Sharafiddinov Abdugaffor.	185
24	ALIXONTORA SOGUNIYNING ASARLARI MAZMUNI. Azimov Ulugbek Abduxalilovich.	192
25	ЖАДИДЛАР СИЁСИЙ ҚАРАШЛАРИ ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР. Абдукаримов Жамолiddин Ахмадалиевич, Содиқова Башорат Туймухамедовна, Усанов Бахтиёр Равшанович. (Тожикистон)	197
26	MUHOJIR JADIDLARNING “YOSH TURKISTON” JURNALI. Muslimbek Alijonov.	210
27	ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ТАРАҚҚИЙПАРВАРЛАРИНИНГ МИЛЛИЙ ДАВЛАТЧИЛИКНИ ТИКЛАШ УЧУН ҲАРАКАТЛАРИ. Машхура Адилжон кизи Дармонова.	217
28	ЮНУСЖОН ҲОЖИ ОҒАЛИҚОВ Баҳром Ирзаев	224
29	ЖАДИДЛАР МЕРОСИДА МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР МАСАЛАСИ Сейтимбетова Н.	229
30	МАҲМУДХҲҲА БЕҲБУДИЙНИНГ ИЖТИМОИЙ - МАЪРИФИЙ ҚАРАШЛАРИ Мамадалиев Немат Қахорович	234